



**IN THE LEGISLATIVE BODY OF THE REPUBLIC OF  
TAJIKISTAN, DEAR MEMBERS OF THE DEVELOPMENT  
AND IMPROVEMENT COUNCIL**

**ABDULLAYEV AKMALJON YO'LCHIBOYEVICH**

Teacher of the Department of preliminary investigation and inquiry of  
the law enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ORCID ID 0009-0002-4302-2341

**RAJABOV TELMAN QUDRATOVICH**

Graduate listener of the Academy of law enforcement of the Republic of  
Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11565780>

**ARTICLE INFO**

Received: 05<sup>th</sup> June 2024

Accepted: 10<sup>th</sup> June 2024

Online: 11<sup>th</sup> June 2024

**KEYWORDS**

Witness, victim, suspect,  
accused, evidence,  
confirmation, interrogation,  
court, pre-trial proceedings.

**ABSTRACT**

*This article discusses the issues of improving the institution of judicial deposition of evidence in the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, expanding the procedural basis of judicial deposition of evidence, introducing conditions for judicial deposition of evidence at the stage of inquiry and preliminary investigation, grounds for conducting the process of judicial deposition of evidence in an on-site court order, cases suspended due to the illness of the accused. The issue of preliminary strengthening of programs based on the experience of foreign countries is analyzed. Proposals have also been developed to improve the current criminal procedural legislation, aimed at increasing the efficiency of this institution for ensuring justice.*

**МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН  
МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ  
АБДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН ЙЎЛЧИБОЕВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки тергов ва  
суриштирув кафедраси ўқитувчиси

ORCID ID 0009-0002-4302-2341

**РАЖАБОВ ТЕЛМАН ҚУДРАТОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура  
тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11565780>

**ARTICLE INFO**

Received: 05<sup>th</sup> June 2024

Accepted: 10<sup>th</sup> June 2024

Online: 11<sup>th</sup> June 2024

**KEYWORDS**

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон  
қилинувчи, айбланувчи,  
кўрсатув, мустаҳкамлаш,  
сўроқ, суд, ишни судга

**ABSTRACT**

*Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят  
процессуал қонунчилигидаги кўрсатувларни олдиндан  
мустаҳкамлаб қўйиш институтини  
такомиллаштириш масалалари, кўрсатувларни  
олдиндан мустаҳкамлаб қўйишнинг процессуал  
асосларини кенгайтириш, суриштирув ва дастлабки  
тергов босқичида кўрсатувларни олдиндан*



қадар юретиш.

мустаҳкамлаш муддатларини киритиш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнини сайёр суд тартибида ўтказиш асослари, айбланувчи касаллиги муносабати билан тўхтатилган ишлар бўйича кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш масаласи хорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, одил судловни қўллаб-қувватловчи мазкур институтнинг самарадорлигини оширишга қаратилган амалдаги жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Барчамизга маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра, “кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш” гувоҳ ва жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) ишни судга қадар юретиш босқичида прокурорнинг илтимосига биноан сўроқ қилишдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринларда ЖПК) белгиланган суд муҳокамаси қоидаларига кўра суд томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 121<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмида гувоҳни, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юретишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги) **ишни судга қадар юретиш** ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Назаримизда, қонун чиқарувчи томонидан юқорида қайд этиб ўтилган қонун нормаларини ишлаб чиқиш жараёнида айрим жиҳатларга эътибор қаратмаган кўринади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121<sup>1</sup>-моддасида гувоҳ ва жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш **ишни судга қадар юретиш босқичида** прокурорнинг илтимосига биноан **сўроқ қилишдан иборатлиги** ва суд томонидан амалга оширилиши белгиланган<sup>2</sup>.

Шу ўринда, “ишни судга қадар юретиш” тушунчасига эътибор қаратсак. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 320<sup>1</sup>-моддасида **ишни судга қадар юретиш икки хил шаклда**, яъни “терговга қадар текширув” ва “жиноят ишини тергов қилиш” шаклида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган<sup>3</sup>. Бундан терговга қадар текширув жиноят иши қўзғатилгунга қадар бўлган жараёнларни, яъни жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олишини кўриш мумкин. Жиноят ишини тергов

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 121<sup>1</sup>-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 121<sup>1</sup>-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 320<sup>1</sup>-модда



қилиш эса суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши белгиланган.

Маълумки, **жиноят иши қўзғатишдан олдин** ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар жумласига ушлаб туриш, шахсий тинтув, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш киради. Сўроқ қилиш тергов ҳаракати эса **жиноят иши қўзғатилганидан сўнг** ўтказиладиган тергов ҳаракатидир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмида баён этилган, яъни "...ишни судга қадар юритиш" чоғида "... уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин" деган таърифдан эса жиноят иши қўзғатмасдан олдин, яъни терговга қадар текширув даврида ҳам сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш мумкин деган фикр ўйғонишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, мазкур модданинг 5-қисмида илтимосномага кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарурлигини тасдиқловчи "терговга қадар текширув материаллари"нинг кўчирма нусхалари деб эмас, балки "жиноят иши материаллари"нинг кўчирма нусхалари илова қилиниши қайд этилган. Бундан мазкур модданинг 1- ва 5-қисмлари мазмуни ўртасида қарама-қаршиликлар бордек ёки мазмуни жиҳатидан бир бирига зиддек кўринади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрель куни қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида" ги ЎРҚ 682-сонли Қонунига илова қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ЯГОНА УСЛУБИЁТИ" "Лойиҳанинг матнига ва тузилишига доир талаблар" деб номланувчи 2-боби 3-бандида: **"Лойиҳанинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилган бўлиши керак. Лойиҳанинг матни турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак"** деб кўрсатилган<sup>4</sup>.

"Ишни судга қадар юритиш" жумласи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг бошқа институтларида тўғри қўлланилганлиги қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиб чиқилганида мазкур жумла ЖПКнинг "Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш" деб номланувчи 63-бобида тўғри ифода этилганлигини кўришимиз мумкин. Бунда амнистия акти ишни судга қадар юритишнинг икки шаклида ҳам, яъни терговга қадар текширув ёки жиноят ишини тергов қилиш давомида қўлланилиши мумкинлиги, яъни, агар шахс терговга қадар текширув давомида ўзига нисбатан амнистия актини қўллашни сўраб ариза берган тақдирда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида, агар бундай ариза гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан жиноят иши бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатлари давомида тақдим этилса жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборилиши белгиланган. "Ишни судга қадар юритиш" жумласи ЖПКнинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш деб номланувчи 121<sup>1</sup>-бобида қайд этилган 121<sup>1</sup>-моддаси ва 121<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмида нотўғри қўлланилганлиги нуқорида келтирилган фикрларда қайд этиб ўтилди.

<sup>4</sup> «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси [ЎРҚ-682 Қонуни. 20.04.2020 й. Тошкент ш. https://lex.uz/docs/5378966](https://lex.uz/docs/5378966)



Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ЖПКнинг 121<sup>1</sup>-моддаси ва 121<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмидаги “ишни судга қадар юритиш” деган сўзлар “суриштирув ёки дастлабки тергов” деган сўзлар билан алмаштирилса, мазкур моддаларнинг мазмуни яна ҳам аниқ ва тушунарлироқ ҳамда келгусида бу борада юзага келиши мумкин турлича шарҳ ва талқин қилинишлар олди олинади.

**Юқорида келтирилган фикрлар ва таҳлиллардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 121<sup>1</sup>-моддасини қуйидаги янги таҳрирда баён этишни:**

**121<sup>1</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш**

*Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш гувоҳ ва жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида прокурорнинг илтимосига биноан сўроқ қилишдан иборат бўлиб, у ушбу Кодексда назарда тутилган суд муҳокамаси қодаларига кўра суд томонидан амалга оширилади.*

**ЖПКнинг 121<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмини қуйидаги янги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз:**

121<sup>2</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун асослар

*Гувоҳни, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги) суриштирув ёки дастлабки тергов ёхуд суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.*

Бундан ташқари, Украина, Молдова, Қозоғистон ва Қирғизистон ЖПКга кўра, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш асосларидан бири сифатида гувоҳ ва жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур тергов ҳаракати ўтказилиши кўрсатилган. Миллий қонунчилигимизда эса фақатгина 2 та асос, яъни:

1) гувоҳ, жабрланувчини объектив сабабларга кўра Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши;

2) уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжуд бўлгандагина кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш мумкинлиги белгиланган.

Қонуннинг ушбу нормасини изоҳлашдан олдин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121<sup>4</sup>-моддаси 3-қисмида суд мажлиси аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек, видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкинлигига эътибор қаратамиз. Бунда, қандай асосларга кўра суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши белгиланмаган.

Мазкур кодекснинг “Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш асослари” деб номланувчи 91<sup>2</sup>-моддаси 2-бандида эса “жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганида” тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши қайд этиб ўтилган, лекин Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун асослар” деб номланувчи 121<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш асоси мавжуд эмас.



Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121<sup>4</sup>-моддаси 3-қисмида: “Суд мажлиси аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек, видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин<sup>5</sup>” лиги қайд этилган.

Жинойт процессуал қонунчилигимизда жабрланувчи ёки гувоҳнинг видеоконференцалоқа режимида техник воситалардан фойдаланган ҳолда масофавий сўроқ қилиш имконияти мавжудлиги сўроқ қилинаётган шахснинг соғлиги, ёши ёки хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳолатларни инобатга олади, қолаверса, ишнинг самарадорлигини оширишга, суд тергови харажатларини минималлаштиришга ва жиноят ишини кўриш муддатларини қисқартириш имконини беради, шунингдек, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини ишончилигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Шу ўринда, 121<sup>4</sup>-модда 3-қисмида ишлатилган “мумкин” сўзига эътибор қаратсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “мумкин” тушунчаси “бўлиши эҳтимол, амалга оширса бўладиган, жоиз” деб қайд этилган<sup>6</sup>.

Бунда суд мажлисида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёни аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда олиб борилиши тавсиявий маънода келиб, суд ихтиёрига қолдирилган, яъни суд лозим топсагина аудио- ва видеоёзувдан, видеоконференцалоқа режимидан фойдаланилади.

Фикримизча, судда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш жараёнини қатъий равишда аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этилишини белгилаш далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ва ишончилигини оширишга хизмат қилади. Чунки, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнини техник воситалар ёрдамида ёзиб олиш келгусида сўроқ қилинган шахснинг сўроқ пайтида унинг ҳуқуқлари бузилганлиги ва сўроқ баённомасида у берган кўрсатувларнинг мазмун-моҳияти бузиб кўрсатилганлиги ҳақидаги асосиз важларини янада бартараф этишга, бундан ташқари, гувоҳ ва жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмига “гувоҳ ва жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш” асосини; ЖПКнинг 91-моддаси 4-қисмига 8-банд сифатида “кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш” тергов ҳаракатини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддасида гувоҳларнинг ва жабрланувчиларнинг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш прокурорнинг ваколатларидан бири сифатида қайд этиб ўтилган<sup>7</sup>, лекин гувоҳларнинг ва жабрланувчиларнинг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқариш ваколати суриштирувчи ва терговчининг ваколатларида кўрсатиб ўтилмаган. Ушбу тергов ҳаракати суриштирувчи ва терговчининг иш юритувидаги жиноят ишлари доирасида амалга оширилишини, бунда кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 121<sup>4</sup>-модда.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. – Б. 637. // <http://n.ziyouz.com>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 382-модда.



қўйиш зарур бўлганда суриштирувчи, терговчи бу ҳақида тегишли қарор чиқаришини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36- ва 38<sup>1</sup>-моддаларига, яъни терговчи ва суриштирувчининг ваколатларига “кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома бериш” ваколатини киритиш таклифини илгари сурамыз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 12<sup>1</sup>-бобида гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини мустаҳкамлаш дастлабки терговнинг айнан қайси босқичида, яъни жиноят иши бўйича қайси тергов ҳаракатлари ўтказилганидан сўнг амалга оширилиши тўғрисида қайд этилган бирон бир норма мавжуд эмас. Келгусида кўрсатуви олдиндан мустаҳкамланиши лозим бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи билан иш бўйича ўтаётган процесснинг бошқа бир иштирокчиси кўрсатувлари ўртасида қарама-қаршиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда юзлаштириш тергов ҳаракати суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида тергов органи ёхуд суд томонидан ўтказилиши борасида аниқ бир тартибни назарда тутувчи нормалар ЖПКда қайд этилмаган. Бошқа томондан, жабрланувчилардан бирини ёки асосий гувоҳларни, гумон қилинувчини ҳимоячи иштироқида муддатидан олдин сўроқ қилиш тергов тактикасига жиддий путур етказиши ҳам мумкин. Бу масалага ечимнинг мавжуд эмаслиги келгусида кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган шахсни қайта сўроқ қилиш учун асосларни ёки аксинча, кейинчалик уни топиш ва қайта сўроқ қилиш имкони бўлмаслигини юзага келтириши мумкин. Шу боис ЖПКда кўрсатилган асосларга кўра, гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари суд томонидан олдиндан мустаҳкамлангунига қадар жиноят иши бўйича ўтаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки кўрсатуви олдиндан мустаҳкамланиши зарурати бўлмаган процесснинг бошқа иштирокчилари суриштирувчи ёки терговчи томонидан сўроқ қилиниши, улар томонидан тақдим этилган ишга доир ашёлар, нарса ва буюмлар кўздан кечирилиши ва ҳуқуқий баҳо берилиши лозим. Бундай тартибнинг жорий этилиши гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари суд томонидан олдиндан мустаҳкамланиш жараёнида уларга иш бўйича тегишли, ўринли саволлар бериш орқали ҳолатга ойдинлик киритиш кўламини кенгайтиради, процесс иштирокчиларининг кўрсатувлари ўртасида қарама-қаршиликлар бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради. Шундан ҳамда тадқиқот давомида ўрганилган Украина давлатининг қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш жараёнида сўроқ қилишдан ташқари процесс иштирокчиларининг кўрсатувлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилиш мақсадида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш мумкинлиги ҳақида тартибни миллий қонунчилигимизга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Зеро, ушбу тергов ҳаракати зудликда суд томонидан ўтказилиши қисқа фурсатлар ичида ҳақиқатни аниқлаш, ҳолатга ойдинлик киритиш имконини берибгина қолмай, кўрсатувларида қарама-қаршилик бўлган процесс иштирокчиларининг ўз кўрсатувларини ўзгартиришга бўлган уринишини олдини олади.



**Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121<sup>2</sup>-моддасини қуйидаги тахрирдаги янги 2-қисм билан тўлдиришни таклиф этамиз:**

**121<sup>2</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун асослар**

Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган асосларга кўра, гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари суд томонидан олдиндан мустаҳкамлангунига қадар жиноят иши бўйича ўтаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки кўрсатуви олдиндан мустаҳкамланиши зарурати бўлмаган процесснинг бошқа иштирокчилари суриштирувчи ёки терговчи томонидан сўроқ қилиниши, улар томонидан тақдим этилган ишга доир ашёлар, нарса ва буюмлар ушбу Кодекснинг 135-141-моддаларида назарда тутилган талабларга ва белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда кўздан кечирилиши ва ҳуқуқий баҳо берилиши лозим.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишни кўриб чиқиш муддатларини киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот иши давомида, ЖПКда қайд этилган “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш”, “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” ва “Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш” бобидаги ҳуқуқий нормалар таҳлил қилинганида уларнинг барчасида мазкур бобга киритилган ишлар суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан ишни белгиланган маълум бир муддат ичида кўриб чиқилиш шартлиги қайд этилган.

Жумладан, “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш” бобининг 584-моддаси 1-қисмида суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, **етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда** гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқариши; шу модданинг 5-қисмида эса иш қарор чиқарилганидан кейин **уч сутка ичида** прокурорнинг розилиги билан судга юборилиши белгиланган<sup>8</sup>.

“Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” тўғрисидаги 62<sup>1</sup>-бобининг 586<sup>3</sup>-моддаси 2-қисмида: “Суриштирувчи, терговчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани олган пайтдан эътиборан **йигирма тўрт соат ичида** жиноят иши материалларини келишув тузиш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга юборади” деб; шу модданинг 3-қисмида: “Прокурор келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани у келиб тушган пайтдан эътиборан **етмиш икки соат ичида** суриштирувчи ёки терговчи ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси иштирокида кўриб чиқади. ...” деб қайд этилган<sup>9</sup>.

ЖПКнинг “Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш” деб номланувчи 63-бобнинг 589-моддаси 1-қисмида прокурор амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят иши

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 584-модда

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 586<sup>3</sup>-модда



унга келиб тушган кундан эътиборан **беш суткадан кечиктирмай** судга юбориши лозимлиги кўрсатилган<sup>10</sup>.

**Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 121<sup>2</sup>-моддасини янги тахрирдаги 2-қисм билан тўлдириб, амалдаги 2-қисмини тегишинча 3-қисм деб, 4-қисмини эса тегишинча 5-қисм деб ҳисоблашни ҳамда ушбу 5-қисмни янги тахрирда баён қилишни таклиф қиламиз:**

**121<sup>2</sup>-модда. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун асослар**

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарур бўлганда суриштирувчи, терговчи кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни зарур материаллар билан бирга **йигирма тўрт соат ичида** кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга юборади

Прокурор кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорнинг ёхуд мурожаатнинг асослигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор ёхуд мурожаатни **келиб тушган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида** суриштирув, дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборади.

Ўйлаймизки, юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларимиз ва илгари сурган таклифларимиз кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини мукамал кўринишга келиши орқали янада такомиллашишига ҳамда суд-тергов амалиётида уни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этилишига хизмат қилади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 121<sup>1</sup>-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 3201-модда
3. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [ЎРҚ-682 Қонуни. 20.04.2020 й. Тошкент ш. https://lex.uz/docs/5378966](https://lex.uz/docs/5378966)
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев тахрири остида. – Т. – Б. 637. // <http://n.ziyouz.com>
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 382-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 584-модда
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 5863-модда

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 589-модда.



8. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2023. 589-  
модда.